



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 24 апрель, №87 (3199)

Пайшанба

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 23 апрель куни Оқсаройда Дания Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ларс Виссинг Ишонч ёрлиғи топшириди.

Мамлакатимиз раҳбари элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлагани муносабати билан кутлар экан, Ўзбекистон-Дания алоқалари ҳар томонлама ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Икки мамлакат сиёсий жабҳада фаол ҳамкорлик қилмоқда, халқаро муаммоларга муносабатларида ҳам яқинлик ва ўшашлик жиҳатлар талайгина. Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш учун янги имкониятлар пайдо бўлмоқда. Ўзбекистон ва Дания мутахассислари Афғонистондаги тикланиш, Ироқдаги янгилаш ишларида ҳамкорликда иштирок этиши мумкин.

Элчи Дания ҳукумати Ўзбекистон билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтириш, ишбилармонларнинг мулоқотини фаоллаштириш истагида эканлигини, ўзи эса бундай хайрли мақсадлар амалга ошириш учун куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

Президент Ислам Каримов шу куни Белгия Қироллигининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Андре Мернхедан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Белгиялик бу дипломат Ўзбекистонда илгари ҳам бўлган, мамлакатимиздаги шарт-шаронт, амалга оширилаётган илоҳотлар жараёни, иқтисодий салоҳиятимиздан яхши хабардор.

Элчи билан сўхбат чоғида Ислам Каримов Ўзбекистон — Белгия муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўпчилигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Белгия элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишга ҳисса қўишини ўзи учун бош мақсад сифатида белгилганини ва Ўзбекистондаги миссиясини эса ўзи учун шараф деб билишини айтди.

Ислам Каримов элчига муваффақият тилади.

Ўзбекистон Президентига Австралиянинг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Лесли Адриан Роу ҳам Ишонч ёрлиғи топшириди.

Мамлакатларимиз жуғрофий жиҳатдан бир-бириндан анча олинса жойлашганига қарамай, Ўзбекистон ва Австралида ўзаро муносабатларини ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Жумладан, Австралия томони Ўзбекистондаги фойдали қазилмалар конларини топиш ва ўзлаштиришга қизиқиш билдиromoқда. Умуман, Австралия сармоясини жалб этиш мумкин бўлган соҳалар талайгина.

Президент Ислам Каримовнинг элчи билан сўхбатига Ироқ ва Афғонистонда амалга оширилаётган тикланиш лойиҳаларида биргаликда иштирок этиш имкониятлари ҳам мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

Австралия элчиси мамлакатларимиз ҳамкорлигини янада ривожлантириш йўлида куч-ғайратини аямаслигини маълум қилди.

Бугун Иккинчи чақирик Олий Мажлис XI Сессияси очилади



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

23 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақирик парламентнинг ўн биринчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Ф.Муҳитдиновнинг сессияга тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Кенгаш аъзолари Олий

конун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларнинг қай даражада тайёрлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Кенгаш молия вазири М.Нурмуллоев ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари кўмитаси раисининг ўринбосари Р.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси тўғрисидаги ахборотини тингладилар. Йиғилиш иштирокчилари мамлакат асосий молиявий ҳужжатининг ўтган йилдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни маълум қилдилар ҳамда уни парламентнинг ўн биринчи

сессияси муҳокамасига кириштириш юзасидан қарор қабул қилдилар. Йиғилиш иштирокчилари, шунингдек Олий Мажлис ўн биринчи сессиясининг Котибият таркибига тавсия этилаётган, сиёсий партиялар депутатлар фракциялари, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари депутатлар блоклари раҳбарлари билан келишиб олинган номзодларни ҳам кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн биринчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси 24 апрель куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 апрель куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қалар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Руминия Президенти Самарқандни зиёрат қилди

САМАРҚАНД. 23 апрель (ЎзА. Акбар Қариев).

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Руминия Президенти Ион Илиеску Самарқандга ташрифи бўрди.

Олий мартабали меҳмонни Самарқанд аэропортида вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев кутиб олди.

Руминиялик меҳмон қадимий Самарқанднинг тарихий обидалари Улуғбек расадхонаси, Бибиҳоним жомеъ масжиди,

Гўри Амир мақбараси ҳамда Сиеб бозорини томоша қилди.

— Ўзбекистонда, жумладан, Самарқандда илк бор бўлишим, — деди Руминия Президенти журналистларга берган интервьюсида. — Бу кўнра шаҳардаги обидалар менга унутилмас таассурот уйғотди. Уларнинг ҳар бири юртнинг тарихини, маданиятини, аждодаларимизнинг уяқан маданияти ва илмий салоҳиятига қўйилган

абодий ҳайкаллар.

Руминия давлат делегациясининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифи жуда самарали бўлди. Президент Ислам Каримов билан ўтказилган мулоқотлар ва имзоланган янги ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг янада мустақамлашишига хизмат қилди.

Ион Илиеску шу куни Самарқанддан жўнаб кетди.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ислохотлар стратегияси — мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш" маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларнинг бажарилиши, 2003 йилнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқунлари ва иқтисодий ислохотларни баҳолашга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Бош вазир У. Султонов бошқарди.

Мажлисида ўтган чоракда мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг 2,2 фоиз ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 12 фоиз ошгани таъкидланди. Иқтисодий ўсеш таъминланди, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси белгиланган 2,7 фоиз ўрнига 1,7 фоиз бўлди.

Иқтисодда ислохотларнинг янги амалга оширилатгани самараси ўлароқ, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти тобора ўсиб бормоқда. Жумладан, ҳисобот даврида ташқи савдога илҳомий салдо 270 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Маҳаллийлаштириш дасту-

рининг 88 лойиҳаси бўйича маҳаллий хомаш неғизда буюм ва материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Мажлис чоракда аввал қабул қилинган ижтимоий дастурларнинг илҳом бажариш борасида муайян ишлар амалга оширилди. "Обод маҳалла йили" дастури ҳамда фуқароларнинг ҳаёт шартларини яқшилатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳаётига таъбиқ этилмоқда.

Бироқ ислохотлар барча соҳаларда ҳам самарали бормоқда, деб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил якулидаги бағишланган йиғилиши-

(Давоми 3-бетда).

ТАЙЁРГАРИК ҚИЗГИН

НУКУС. (ЎзА мухбири Амннбў Ортиқбоев). Шу кунларда ўзининг 70 йиллик тўйига тарадуд қўраётган Нукус ўзгача чирок касб эди-моқда. Асосий байрам тадбирлари ўтказиладиган шаҳар марказидаги ёнги амфитеатр биноси қайта таъмирланди.

"Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш" акционерлик жамиятига қарашли 2-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бу ердаги ишларни тобора жадаллаштирмоқда. Жумладан, таъмирлаш ишларини режалаштирилган муддат — 5 майга қадар тугатиш учун иш икки еменада олиб бориляпти.

Шунингдек, Нукус аэропорти ҳам халқаро андозлар талаби даражасида таъмирланмоқда. Йулочиларга зарур шарт-шаронт яратиш, хизмат турлари ва сифатини янада ошириш борасидаги ишлар ниҳоятга етказилмоқда. Яқинда қуриб битказилган Қорақалпоқ давлат санъат музейининг янги биноси ҳам юбилей кунлари томошабинларга ўз эшикларини очди.

Нукусда шаҳар юбилейига қўриляётган ҳозирлик ишларининг боришига бағишлаб ўтказилган йиғилишда шулар ҳақда гап борди. Унда Нукуснинг юбилейини Ўзбекистон Республикаси Вазир-

ГЕРМАНИЯЛИК ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Фалладдин АРНЕВ). Германиянинг юртимизда меҳмон бўлиб турган Саксония федерал ери иқтисодий ва меҳнат вазири Мартин Гилло раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегацияси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, таъқиқ иқтисодий алоқалар агентлигини раиси Элёр Ғаниев билан учрашди.

Сўхбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Шу жумладан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ўзаро таъриба алмашув кенг йўлга қўйилгани диққатга сазоворлар. Учрашувда томонлар иқтисодийнинг турли соҳаларида ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, жумладан, қўшма корхоналар соҳини қўлайитириш, қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан фикр алмашди.

Алло, Сизни Олий хўжалик суди раиси эшитилади!


Хурматли газетхонлар!

- Сизни хўжалик судлари мурожаат этишига процессуал тартиби қизиқтирадими?
- Кичик ва ўрта бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг суд-ҳуқуқий ҳимояси қандай амалга оширишни биласизми?
- Хусусий тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ўз ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қилишни сўраб, хўжалик судларига мурожаат қилишда қандай имтиёزلарга эга эканлигини биласизми?
- Иқтисодий соҳасида қонунийликни мустаҳкамлаш, қонуний бўлишларнинг олдини олиш мақсадида хўжалик судлари томонидан қандай ишлар амалга оширилди, хўжалик юртыдаги субъектларнинг иқтисодий ноқурилиши ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши бўйича хўжалик судлари олдида турган вазифалар нималардан иборат эканлиги ҳақида маълумотга эгамиз?

Хуллас, шу ва шу каби саволларга аниқ жавоб оломоқчи бўлсангиз шу йил 30 апрель кунини соат 10.00 дан 12.00 гача Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раиси Мирзоуллубек АБДУСАЛОМОВ билан бўладиган бевосита мулоқотга таклиф этишим. Сиз ўша кун Олий хўжалик суди раиси билан 173-43-23, 77-14-16 телефонлари орқали тўғридан-тўғри гаплашиш имконига эга бўласиз. Агар саволларини олдиндан бермоқчи бўлсангиз 136-07-94, 133-57-98 телефонлари ёки (8-371) 173-91-56, 136-37-85 факслари орқали мурожаат этишингиз мумкин.

Интернетдаги манзилими: E-mail: xalksuzi@uzpak.uz.

Лизинг тушунчаси иқтисодийимизга янгилик бўлиб кириб келганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шуни айтиб ўтиш керакки, лизинг эҳлиқ йилдан буён ривожланган давлатларда кенг қўлланиб келинади.



Ижро масъулияти

Мақсад — изчилликни таъминлаш

Жойларда мазкур қонун ижроси билан танишиш, таҳлил қилаётганми? — дейди, Олий Мажлиснинг бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Раҳмонқул Каримов.

даги рақамлардан ҳам пайқаш мумкин: банкларга қўйилган омонатлар ҳажми 2001 йилда 91 миллиард сўмни ташкил этган эди, 2002 йилда эса бу кўрсаткич 170 миллиард сўмга етди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида қўмитанинг ижроси билан танишиш, таҳлил қилаётганми? — дейди, Олий Мажлиснинг бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Раҳмонқул Каримов.

Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустақам пойдеворини шакллантиришдан иборат.

Ислом КАРИМОВ.

Кредит уюшмаларининг хизматини яхшилаш, қолаверса, рақобат муҳитини ҳам яратиш мақсадида ҳар ойда қўмита ташаббуси билан мониторинг ўтказиб келинапти.

Шунингдек, амалдаги «Солиқ кодекси», «Аудиторлик тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларнинг жойларда ижросини ҳам қўмита сессия оралиғида ўрганмоқда.

Худойберди ЭШМАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилинганларнинг ижросини таъминлашда парламент қўмиталарининг роли беҳисоб. Шунинг учун улар бораватган ишлар барчамизнинг доимий диққат-эътиборимизда.

Қўмитамиз икки сессия оралиғида парламент Кенгаши тасдиқлаган иш режасига асосан «Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Самарқанд вилоятида ижро этилиши ҳақидаги масалани ўрганиб чиқиб, муҳокама қилди.

Мазкур вилоятдаги уй-жой мулкдорлари ширкатларининг асосий қисми 2000-2001 йилларда ташкил этил-

уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ташкил этилиши ва фаолиятида амалдаги норма-

Самарқанд шаҳри Темирйўл туманидаги «Қадрят», Булуғтур туманидаги «Орзу» каби ширкатларда умумий мажлис баён-

Шу йилнинг 1 март ҳафтага кўра, вилоятда 82 та ширкат фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг бошқарувида 1304 та кўп хонадонли уй-жойлар ва уй атрофидаги 4 миллион 824,9 минг квадрат метр ер участкалари доимий фойдаланишга берилган.

Ижобий силжишлар билан биргаликда вилоят ҳокимлигининг олиб бораватган ишларини қўмита тўлиқ жавоб беради деб бўлмайти.

бўйича ҳисобот йиғилишлари бекитилган ўтказилган ишлари сабабли 2003 йилнинг даромадлари ва харajatлар сметалари ҳалигача тасдиқланмаган.

Самарқанд шаҳри Боғиша- мол туманидаги «Дўстлик», «Бўстон», «Давр», «Фидокор», «Зарафшон», «Истиклол» ширкатлари банк кредитларини олишда ёрдам кўрсатилмаган ҳамда умумий маҳаллий бюджет маблағи ажратилмаган.

Ширкатларга доимий фойдаланишга берилган но-турар жойлардан, гаражлардан, дўконлардан, ер участкаларидан қурилган турли бино ва иншоотлардан фой-

даланиш ва улар учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги вилот ҳокимлигининг тегишли ҳокимияти қабул қилинганга қарамадан ширкатларнинг ҳаммаси ҳам бу ҳуқуқдан фойдаланмапти.

Вилоятда 1991 йилгача қурилган уй-жойларни буткул таъмирлаш ишлари қонидан қўйиб қолдирилган.

Қўмитамиз ҳисобот натижаларига кўра қарор қабул қилди. Мазкур вилот ҳокимлигига қонун нормаларини сўзсиз бажариш чора-тадбирларини кўриш, республика Марказий банкига уй-жой мулкдорларининг ширкатлари банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиши ёрдам кўрсатиш, «Ўзкоммунахизмат» агентлигига ширкатларнинг зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлашга кўмаклашиш ва вилотлар ҳокимликлари билан биргаликда ширкатлар фаолияти масалалари юзасида ўқув-семинарлар ташкил этиш тавсия қилинди.

Бундан ташқари, қўмита «Ахборотлаштириш ҳақида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат алмашишу тўғрисида»ги, «Электрон тижорат тўғрисида»ги, «Электрон тўловлар ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишлар олиб бормоқда. Бу қонунлар лойиҳалари Олий Мажлиснинг келгуси сессиялари кун тартибига киритилиши кўзда тутилган. Уларни тайёрлаш жараёнида қўмита БМТнинг республика миқёсдаги Тараққиёт дастури билан биргаликда давра суҳбати ўтказди.

Келажакда бу қонунларининг қабул қилиниши билан республикамизда интернет, алоқа ва ахборот коммуникация технологиялари ривожланиши, чет эл инвесторларини жалб этиш имкониятларининг яна ҳам кенгайтилишига йўл очилди.

Салим ДОНИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Очиғи, «Банкротлик тўғрисида»ги қонун (янги таҳрири) лойиҳаси Олий Мажлиснинг ўтган сессиясида биринчи ўқишда қабул қилиниб, муҳокамага ташланган кўпчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Уч юзга яқин таклиф

лойиҳада қандай акс этди?

— Муҳаммадҷон ака, айтингчи, янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси амалдаги ҳуқуқий ҳужжатдан қайси жиҳати билан фарқ қилади?

— Ушбу саволинигизга қисқа ва лўнда жавоб бериш бироз қийинроқ. Чунки «Банкротлик тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси амалдаги қонундан кўп жиҳатли билан ажралиб туради.

Тўғри, «Банкротлик тўғрисида»ги амалдаги Қонун ўтган вақт ичида иқтисодий ислохотларнинг дастлабки бошқичларида ижобий аҳамият касб этди. Корхоналарнинг барқарор молиявий фаолият кўрсатишида ўзига ҳос кўприк ва зифасини ўтди. Бундан кўз юмиб бўлмайти. Аммо бугунги кун талаби ҳужжатли юришчи суъбеклар фаолиятига иқтисодий ёндашушни янада кучайтириш, корхоналарни зарар кўриб ишлашдек нотўғри амалиётнинг олдини олиш чораларини кўриш, бир сўз билан айтганда, иқтисодийимизни орқага тортишга чек қўйишни тақозо этимоқда.

Қонун лойиҳаси банкротлик жараёнини барча туркум масалаларини — уларни бошланишдан тортиб то тугатилишигача бўлган жамик жиҳатларини ҳуқуқий мезонини белгилай беради. Шу боис лойиҳадаги ҳар бир модда қизгин бўлиб ва мунозаралар сабаб бўлди. Қўмита таклиф ва турли фикрлар билдирилди. Бундан ташқари, бир қатор ривожланган чет эл давлатлари қонун ҳужжатлари атрофида ўрганилган таҳлил қилинди. Унингга мос ва ҳос бўлган жиҳатларини қабул қилиш чамалаб кўрилди.

Билансизми, муҳокама давомида тушган юзлаб таклифлар ҳисобга олиниб, қонун лойиҳасининг 40 дан зиёд моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Масалан, лойиҳанинг 4-моддасига мувофиқ, «Қарзорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредитлар ва (ёки) мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзга келган кундан эътиборан уч ой давомида қардор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади».

Улар юзга келган қонундан эътиборан 6 ой давомида бажармаслик банкротлик аломати ҳисобланар эди. Таклифларнинг асосий моҳияти амалдаги Қонунга мувофиқ 6 ойлик муддатни сақлаб қолиш зарурлиги ҳисобга олиниди. Шунинг учун қонун лойиҳасининг 156-моддасига мувофиқ, фақат шундан иборат бўлиши ҳамда унга тенгсизлаштирилган стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналар учунгина 6 ой деб қолдирилди. Чунки қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида бу муддатнинг қисқартирилиши дебиторлик қарзордорлигини юқори муддатлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мослиги ҳисобга олинди. Негаки, Вазирад Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги қарори билан бу 90 кун этиб белгиланган. Янги норманинг жорий этилиши қардорларга нисбатан талабни оқшарида, кредиторларнинг аҳолини енгиштириши ва халқаро амалиётга кўпроқ мос келади. Бундан ташқари, лойиҳага иккинчи янги модда ҳам киритилди. Қўмита тўғрисидаги қонун лойиҳасида қўмита даврида қонун лойиҳаси ҳар жиҳатдан ўрганилиб, мезонига етказилди. Янада мукамаллаштирилди.

МУХБИР ИЗОҲИ: Дарҳақиқат, шундай. Мамлакат иқтисодиётининг юксалиши, ноҳор корхоналарнинг оёққа турмуши ёки улар замирида барқарор корхоналарнинг вужудга келиши, бу энг аввало, унинг ҳуқуқий асоси нечоғли яратилишига боғлиқ. Шу боис Президентимиз 2002 йил биринчи ярим йиллик иқтисодий баъишларини Вазирад Маҳкамаси йиллик ҳисоботида аниқ соҳага эътибор қаратиб, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни банкрот деб эълон қилиш жараёни сўт даражада бораётганлиги ва бу учун янги таҳрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш лозимлиги алоҳида таъкидлаган эди. Президентимиз ташаббуси билан тайёрланган, Олий Мажлиснинг бугун бошланмак сессияси муҳокамага киритилган «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳриридаги лойиҳаси банкротлик билан боғлиқ ишлари ҳар томонлама сифатли ҳал этиш имкониятини яратилишига муваффақ бўлди. Қўмитамизда кредитлар моддий талабни тўлиқ қондиришни таъминлашга, банкрот корхона мол-мулкунинг талон-тарож қилинишини олдини олишга, энг муҳими, корхоналарни йўқотмасдан, улар молиявий аҳолини соғломлаштиришга қаратилган янги мезонларнинг киритилганлиги энг фикримиз бўлишидир.

Фурқат САНАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: Олий Мажлис депутатларини рўйхатга олиш пайти. Нўмонҷон МУҲАММАДҶОНОВ олган сурат.

Олий Мажлис қўмита ва комиссияларида

Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар Олий Мажлиснинг ун биринчи сессияси кун тартибига қўйилган масалаларни, жумладан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2002 йилдаги ижроси, «Банк сирини тўғрисида»ги (биринчи ўқишда) қонун лойиҳасини, Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси, «Давлат божи тўғрисида»ги ҳамда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлариغا ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

тининг 2002 йилдаги ижроси бўйича молия вазири М. Нурмуродов ахборот берди. Йиғилишда, шунингдек, қўмита ваколатига киралдиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Партия фракциясида

Кеча «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентимизнинг XI сессияси кун тартибига киритилган масалалар ва қабул қилиниши мўлжалланган қонун лойиҳалари юзасидан фракциянинг умумий ёндашувлари тўғрисида фракция раҳбари Т. Даминов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

23 апрель кун Олий Мажлис Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентнинг бугун бошланмак сессияси кун тартибига киритилган масалалар юзасидан мазкур комиссия раиси Ш. Хўжаиёзова ахборот берди. Комиссия аъзолари сессия муҳокамасидан жой олган барча масалаларни бир овоздан маъқулладилар.

Депутатлар блоклариди

23 апрель кун Олий Мажлис сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлар блоқи йиғилиши бўлди. Уни блок раҳбари А. Саидов олиб борди. Блок аъзолари XI сессия кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар.

қонун тартибига киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонун лойиҳалари ҳақида ахборот берди. Мажлисда, шунингдек, бугунги сессия муҳокамасига қўйилаётган бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди ва маъқуллади.

Шу кунги Ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блоқи ҳам ўз мажлисини ўтказди. Блок раҳбари Қ. Обидов бошқарган йиғилишда Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исомов сессия

Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитасида сессиялар оралиғида қандай ишлар амалга оширилди? Мухбиримизнинг шу саволига қўмита котиби Шоира УМАРОВА қуйидагича жавоб берди:

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

— Ўтган сессиядан кейин қўмитамиз томонидан «Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой тисмолларидан фойдаланиш ва уларни муҳофизат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси устида ишлаш учун ишчи гуруҳи тuzилди. Ҳозир лойиҳа устида фаол иш олиб бориламоқда. У манфаатдор вазириликлар, идоралар ва давлат қўмиталарига юборилди. Ишончимиз комилки, улар ўз таклиф ва мулоҳазалари билан лойиҳани янада такомиллаштиришда бизга ёрдам берадилар. Шунингдек, Олий Мажлиснинг бошқа қўмиталарида тайёрланган қонун лойиҳаларини ҳам ўрганиб чиқиб, ўз таклиф-мулоҳазаларимизни билдиришмоқдамиз.

Лекин қонун ижроси бўйича айрим корхона, ташкилотлар маъмурияти эътиборсизлиги туфайли бир мунча хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлиги кузатилади. Янги айрим корхона, ташкилотларда ходимларнинг ҳаётига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳолатлар мажмуи. Шу хавфни бартараф қилиш чоралари қўрилмаганлиги оқибатида вилотда касб касаллигига йўлчи ҳолати пайсамайпти, бахтсиз ҳодисалар ҳамон солид бўлиб турибди. Ана шундай камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари кўрилиши лозимлиги тавсия қилиниб,

қўмита қарори қабул қилинди. Яқинда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Хоразм вилоятида ижро эти-

қўмитамиз фаолиятида яна бир йўналиш мавжудки, бу Олий Мажлис Кенгаши томонидан тасдиқланган режага кўра қўшимча тадбирлар ўтказишидир. Сессиялар оралиғида

тўғри суҳбатлашнинг, тушунтириш, қолаверса ана шу ислохотлар жараёнига халқимизнинг ҳам муносабати қандайлигини билишдан иборат эди. Қўмитамиз аъзолари ана шу мақсадда турли хил анжуманларда, сайловчилар билан учрашувларда ҳам иштирок этиб келишмоқда. Жумладан, Акмал Икромов туман ҳокимлигида, Фўзор туман ҳокимлигида, Жиззах педагогика институтида, Зарбдор туман ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувларни мисол қилишимиз мумкин. Бундан ташқари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан биргаликда «Беморлар ҳуқуқларини таъминлаш масалалари: халқаро тажриба» мавзусида илмий-амалий конференция ҳам ўтказдик. Анжуман «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш» Давлат дастуридаги устувор вазифалардан бири — соғлиқни сақлаш соҳасида инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши ва бу фуқаролар соғлигини сақлашнинг асосий принципи эканлиги тўғрисида фикр юритилди. Бу борда амалга оширилаётган ишлар билан бирга ҳали ечимини топиши лозим бўлган муаммолар ҳақида ҳам гап берди. Қўмитамиз жамият ривожига қонун устуворлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларини давом эттираверди.

Обод маҳалла – бизнинг маҳалла

ЯНГИЛАНГАН «ТОЗАБОҒ»

“Тозабоғ” Урганч шаҳридаги 34 та маҳалланинг биттаси, энг каттаси. Шаҳар марказидан бироз чеккароқда жойлашган. Биз у ерга борганимизда маҳалладошларнинг ҳашари устидан чиқдик. Фуқаролар йиғини раиси Мурот Олтинбоев савол назари билан қараганимизни кўриб:

— «Дом»лар атрофига ноқонуний қурилишлар қуриб ташлашнинг, шуларни кўчириб, ўз ҳолига қайтараямиз, — деди. — Биласиз, бундай пала-партиш, чала қурилишлар маҳалланинг ҳуснубозари. Бунинг устига бетон девларнинг тешиб, эшик очиб олганлар ҳам бор. Бунга чек қўймас, оқибати яхши бўлмайди. Қўрган бўлсангиз, битта бизнинг маҳалламизда эмас, шаҳарнинг ҳамма жойида шу иш қилинапти. Тўғри бўляпти. Бунни қилиш учун ишчи кучи керак. Узининг ноқонуний қурилишини бузадиганлар ҳам топилди. Баъзилар уйига қамалиди, эшикни қулфлаб ўтирилади, яшириниб. Тушунтираямиз. Маҳалламиз обод бўлсин, одамларга ўшаб яшайлик, дегимиз.

Кўп қаватли уйлар жойлашган маҳалланинг бошқа маҳаллаларга ўхшамайдиган жиҳатлари бор. Бу ерда одамлар бошини бир жойга кўшишинг ўзи бўлмайди. Ойлар бир-бирлари билан камроқ кирди-чиқди қиладилар. Маҳалла муҳитини, маҳалла руҳини яратиш керак бўлади. Мурот ака шулар ҳақида кўйиб гапирди. Бошлаб қўйган ишлари ниҳоятга етказилса, маҳалла номига яраша тоза боғ бўлиши турган гап.

Маҳаллада бир неча йилдан бунён бўш ётган майдон бор эди. Шу ерда маҳалла гузарни қуришга киришилди. Бозор, манший хизмат шохбачалари, чойхона қурилади. Бу иш тadbirkorларга топширилади. Улар ўз ишини билишди, маблағ масаласи ҳам муаммо бўлмайди. Маҳаллада шаҳар жой бўлгани учун оқар сув муаммо бўлиб турибди. Сув бўлмаса, кўкalamзорлаштириш, ободчилик қилиш қийин. Шаҳар ҳокимини ердан берадиган бўлибди. Маҳалладаги барча уйлarning канализация тизими эскирган. Янгиланган

йўллари излашапти. Бу йил 6 та кўп қаватли уй капитал таъмирдан чиқарилади. Маҳалладаги 2 та уй-жой ширкати бу ишларни ўз зиммасига олди. Бу ерда устаконлар, тикувчилик цехи очилди ҳам режалаштириляпти. Албатта, буларнинг ҳаммасига маблағ керак.


— Банкада “Сахийлик” деб номланган ҳисоб рақами очдик. Шаҳримизда, маҳалламизда саховатпешалар оз бўлсада топилди, пул тушиб турибди, — дейди Мурот ака.

Маҳаллада 3 та спорт майдончаси, 1 та болалар майдончаси, 2 та болалар боғчаси, коллеж, кутубхона бор экан. Уларни кўриб, кўнлимиз тўлди. Маҳалланинг “Тозабоғ” футбол командаси борлигини эшитиб янада хурсанд бўдик. Спортчиларнинг бари ёшлар, болалар. Шунинг учун бўлса керак воғта етмаганлар ўртасида жиноятчилик йўқ.

Маҳалла 34 та кўп қаватли уйлarning қамраб олган. 1442 хонадонда 5 минг 341 нафар аҳоли истиқомат қилар экан. Уларнинг иссиқ-сوغуви, кирди-чиқиди, оиладаги муҳитдан бохабар бўлиб туриш енгил кўчмайди.

Маҳалла катта бир оила. У обод бўлса, у ердаги хонадонлар ҳам обод бўлади. Обод хонадонда кўнглилар ҳам чарогон бўлади. Яхшилик, эзгулик ниси уради. “Тозабоғ”дан қайтар эканмиз, унинг албатта тоза боғ бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Ойбек РАҲИМОВ, “Халқ сўзи” муҳбири.



Кутубхонани зиё маскани, маърифат ўчоғи деб бежиз айтишмайди. Зеро, бундай ошёнга ошно бўлган одам сира кам бўлмайди. Чунки, қанча кўп китоб ўқиса киши дунёқарши, мушоҳадаси кенейди, билими бойийди. Шу боис ҳам Бўз туманидаги марказлашган кутубхоналар тизимига қарашли 15-шохбача кутубхонасидаги китоблар фондиди бойитишга алоҳида эътибор бериляпти.

СУРАТДА: мажмур кутубхона мудираси Тилохон Шокирова. М. ҚОДИРОВ (Ўза) олган сурат.

“ЭКОСАН” Халқаро жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурслари Давлат қўмитаси, “Узелерадио” компанияси, Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида пойтахтимизнинг “Боғи Эрам” маданият ва истироҳат боғида Ер учун муносабати билан “ЭКОФЕСТИВАЛ-2003” ўтказилди.

Боғи Эрамда байрам

Тадбирда “Энг обод маҳалла”, “Оталар чойхонаси” ва “Кексаларинг эъзозловчи намунали маҳалла” номи республика кўрик-танловларига яқин ясалди. “Энг обод маҳалла” экологик кўрик-танловнинг галиби Қашқадарё вилояти Қариш шаҳридаги “Розгузор” маҳалласи деб топилди ва “ЭКОСАН” Халқаро жамғармасининг дипломи ҳамда танқилолчилар томонидан ажратилган 5 000 000 сўм миқдордаги пул маблағи билан тақдирланди.

“Оталар чойхонаси” кўрик-танловда 1-ўринни Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги “Оқ-тепа” маҳалласидagi оталар чойхонаси эгаллади.

“Кексаларинг эъзозловчи намунали маҳалла” Республика кўрик-танловда эса Тошкент вилояти Тошкент тумани “Дўстлик” маҳалласи галиби деб топилди.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ.

Республикамизда биринчи марта

2003 йил 20 май куни соат 10.00да

Навий мол-хомашё биржаси орқали қурилган қорақўл терисини сотиш бўйича

КИМ ОШДИ САВДОСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Энг сифатли қорақўл териси харид қилмоқчи бўлсангиз КИМ ОШДИ савдосига марҳамат!

Манзилими: Навоий ш., Навоий к., 30-уй, Биржа маркази биноси. Телефонлар: 223-66-47, 223-76-17.

«MAKSIMA» мебель салони

Италия, Испания, Польшадан келтирилган мебеллар, ёриткичлар, қандиллар, расмлар ва кўрпа-ёстиқ анжомларини тақдир этади.

«MAKSIMA» АРТ-дизайн студияси

хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини яқка тартибда ишлаб беради. КАТАЛОГ бўйича бюртмангиз етказиб берилади.

Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиғиб бериш — БЕПУЛ.

Тушликисиз ва дам олиш кунингиз ишлаймиз.

Манзилими: Д. Қўнаев (с. Сапарова) кўчаси, 46-уй. (Мўлжал — “Миробод” бозори) Телефонлар: 111-64-49, 152-75-94. E-mail: maxima@online.ru

“Мен искинчи жаҳон уруши қатнашчиларига беланган имтиёزلарга эа 3-гuruh ногирониман. Бирок давлат автобусларида ишловчи айрим ҳайдовчилар ва паттачилар негадир бунга ҳисобга олишмаяпти. Масалан, яқинда қишлоғимиздан Газалкент шаҳрига кетганда, 11 А1 — 633 рақамли “ДАЗ” эаси келиб, чинта олишимни сўради. Ҳужжатларимни кўрсатсам, “Ганни кўп чўманг. Бизга айричи ҳам, чернобичи ҳам ўтмайди”, деб қайтариб берди. Устига устак, йўл ҳақини бир ярим ҳисса қилиб ўндириб олди. Бу ҳақда Газалкент станцияси бошичилига айтгандим, у елка қисидан нариса ўтмади.

Газетада босилмади, ammo... **Йўловчи ҳуқуқи ҳимояда**

Ҳайронман, туман ижтимоий таъминот бўлимидагилар мана шу ҳужжат асосида жамонат транспортда бепул юришигиз мумкин, дейишди. Автобус ҳайдовчилари ва назоратчилар эса тексирисини айтишди. Ҳуни, мен кимга ишонай?..

Бўстонлик туманидаги Қоронқўл қишлоғида яшовчи Т.Урмонов тахириятига йўллаган мактубида ана шундай саволни ўртага ташлаганди. Биз Тошкент вилояти ҳокимиятидан масалага ойдинлик киритишни сўрадик. Ҳокимиятнинг индустрияни ривожлантириш, қурилиш ва коммуникация масалалари бўйича котибияти мудир С. ИЛҲОМОВдан қўйидаги расмий жавобни олдик:

“Фўқаро Т. Урмоновнинг “Халқ сўзи”га ёзган шикоят

хати “Тошвилтранс” ҳудудий уюшмаси томонидан кўриб чиқилди. Рўй берган тартиббузарлик Чирчиқдаги 15-автосаройда муҳокама қилинди. Арзўнинг ногиронлик имтиёзларини менсимаянлиги учун давлат белгиси 11 А1 — 633 рақамли “ДАЗ — 699” русумли автобус ҳайдовчиси К.Каримовга, маъмурият бўйруғига бинаола, ҳайфсан эълон қилинди ва у келгусида имтиёзли йўловчилар ҳуқуқларини тўлиқ тан олиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилди. Автожамааналар бошқиларини Э.Йўловчи ва К.Бўронларга бу борада ҳайдовчилар ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш вазифаси юклатилди”.

Фарғонада белбоғли кураш

Ерлон қишлоғида ўтказилган Фарғонада белбоғли кураш мусобақаси ҳам барчага манзур бўлди. 12 та вази тоифаси бўйича ўтказилган мусобақадан Саҳобиддин Кенгашов устозлик қилаётган ёш курашчилар, туман марказидаги кураш тўрагаги аъзолари, қўшни Қирғизистон Республикаси Боткент вилоятидан келган полвонлар, ҳудуддаги маҳалла командалари иштирок этишди. Ҳодилар вилоят спорт қўмитаси ва телерадиокомпанияси ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинининг соврин ва қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

С. ДАДАХУЖАЕВ, Фарғона.

Битта олтин ва битта бронза

15-21 апрель кунлари Туркияда бокс бўйича Аҳмад Камарет хотира-Аҳмад бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказининг хабар қилишича, 19 давлат вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақадда мамлакатимиз боксчилари ҳам муваффақиятли қатнашганлар. Чунончи, 91 килограмдан юқори бўлган вази тоифасидаги Рустам Саидов биринчи ўринга муносиб топилган бўлса, 75 килограм вазида рингга чиққан гулистонлик Шерзод Абдурамонов учинчи ўринни эгаллади.

Ўз муҳбиримиз.

Сув парилари

ёхуд синхрон сузишнинг истиқболлари

Мамлакатимизда миллий қадриятлар билан бирга умминсоний қадриятлар тисмоди бўлмиш спортга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, саломатлик ва гузаллик намойиши бўлмиш ҳовузда бадий-музыкавий гимнастика тури ҳам мустақиллик туфайли ривож топмоқда.

Илгари бу машғулот билан фақат Тошкентда шуғулланишарди. Энди эса ундай эмас. Спортнинг бу тури оммалашмоқда. 2000 йилнинг 25 апрелида Ўзбекистон Синхрон сузиш федерацияси ташкил этилган, спортнинг бу тури юртимиз бўйлаб қанот қоқа бошлади. Ҳар бир вилоятда федерациянинг бўлимлари ташкил этилиб, улар янги ташкилотнинг низоми ва дастури, синхрон сузиш ва у бўйича ўтказилган мусобақаларнинг қонун-қоидалари акс эттирилган қўлланмаларни жойларга жўнатишляпти. Спортнинг бу турига республика бўйича 260 нафар ўқувчи-қиз қатнашди ва уларнинг 200 нафари пойтахтимиз спортчиларидир.

2002 йилдан бунён “Соғлом авлод учун” жамғармаси спортнинг сувда рақе турига алоҳида эътибор бераляпти. Айниқса, бу борада Сирдарё вилояти ҳокимияти фаолияти таҳсинга лойиқ. Яқинда Жанубий Кореяда бўлиб ўтган халқаро мусобақага борувчи қизлар учун тўрт миллион сўм маблағ ажратилди.

— Халқаро мусобақадда спортчиларимиз Нарғиза Сиддиқова билан Татьяна Сергеева жуфтликда тўртинчи ўринни эгаллашди, яққалиқда эса Нарғиза Сиддиқовага яна тўртинчи ўрин насиб этди. — дейди Ўзбекистон синхрон сузиш федерацияси раиси уринбосари Маъмура Валиева. — Республикаимизда ўтказилган “Сув париси” III халқаро турнирининг 2002 йилги мусобақасида бешта мамлакат иштирок этган бўлса, бу йил ноибрда бўлиб ўтадиган турнирда 26 та давлат қатнашиши кутилмоқда.

Бош мураббийлари Ольга Старикова билан биргалликда сирдарёлик қизлар чемпионатга қаттиқ тайёрландилар. Вилотда сувдаги рақе учун барча имкониятлар яратилган.

— Бунинг учун ҳукуматимизга, мураббийларимизга, Оснён чемпионатига йўллаган ҳомиларга, “Соғлом авлод учун” жамғармасига беадал миннатдорчилик билдирамиз, — дейди Маъмура Валиева. — Уйлайманки, республикаимизда спортнинг бу тури келажакда янада ривожланиди. Спортни тинчлик пос-

Бухоро вилояти филиали

Кўйидаги ишловчи тенлов савдолари (тендер) ўтказишнинг эълон қилади:

1. М. Ашрафий ва Писташканон кўчалари кесмиган жойда «Мир-Араб» мадрасаси талабалари учун ўқув-маърифий, илмий маркази биносининг лойиха-қурилиш ишлари. Тўғатиш мuddати — 2003 йил IV-чорак.

Талабор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар кўйидаги талабаларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техник малака, молиявий маблағ ва бошқа моддий имкониятларга, ўзаро ишончга, тажриба ва кўнимга, шунингдек етарли ишчи кучи захиралигига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ҳуқуқларига ҳамда қобилиятига эга бўлишлари лозим.

Буортмачи — Бухоро вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш бошқармаси. Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шохқўчаси, 5-уй. Телефонлар: 223-63-26, 223-62-17.

Қурилиш ва лойиха-пешхисоб ишлари «Имом ал-Бухорий» халқаро жамғармаси Бухоро бўлими ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — пудрат савдоларини ташкил этиш (тендерлар) бўйича республика бошқармасининг Бухоро вилояти филиалига мурожаат қилиш мумкин. Манзил: Бухоро шаҳри, Навоий шохқўчаси, 5-уй, 18-хона. Телефон: 223-96-29, факс: 223-97-51.

Оферталар юқоридаги манзилда соат 10.00дан 17.00гача қабул қилинади.

Ўхреватлар бир пайтасинише (қомиласи) қўйимизи — 50 000 сўм.

Тақдирлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилганда бошлаб, 30 кундан кейин кўйидаги манзилда ўтказилади:

Бухоро шаҳри, И.Мўмино кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимиятининг кичик залида соат 10.00да.

ЭЛЕКТРОН ТАРОЗИЛАР

• Савдо
• Автомобиль
• Вагон
• Платформа
• Лаборатория тарозилари
• Дозаторлар

Сотиш, ишлаб чиқариш, модернизация, сервис хизмати

С.Азимов кўч., 72а, тел.: 132-07-14, 132-07-21, факс: 132-06-85. www.ucdgroup.com www.ucd.uz E-mail: scales@ucd.uz

ТЕЛЕКУЗАТУВ ТИЗИМЛАРИ ЖИҲОЗЛАРИ

SONY J&S Panasonic

Майдонни кўриқлаш тизимлари, телекузатув, келишни назорат қилиш, кўриқлаш-ёғини ҳавфсизлиги жиҳозлари, аудио ва видеодофонлар, UPS, металлдетекторлари ва бошқа жиҳозлар.

Манзил: Тошкент ш., Қўшбеги к. Тел.:50-99-13, 50-46-13, тел./факс:120-66-01 E-mail:vinlad@naytov.com

“ХАЛҚ СЎЗИ” НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир ҳайъати: Э. Болев (масъул котиб — “Халқ сўзи”), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — “Халқ сўзи”), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳидинов, Г. Прохоренко, Ш. Ризаев, А. Саидов (масъул котиб — “Народное слово”), М. Сафаров, И. Утбосаров, О. Қўнберганов (бош муҳаррир уринбосари — “Народное слово”), А. Ҳайдаров, У. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтин тартибон № 00001 Буюртма Г — 334, 30179 нускада боенлид, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида боенлид. Кўриб билиш А-2

Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Жамияд ТОҒАЕВ ва Абдар БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Тахрирда ҳажми 5 котилаан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

□ Тижорат материалли

Манзилими: Д. Қўнаев (с. Сапарова) кўчаси, 46-уй. (Мўлжал — “Миробод” бозори) Телефонлар: 111-64-49, 152-75-94. E-mail: maxima@online.ru

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси, Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. Боснига топшириш вақти — 21.00

Топширилди — 21.30 1 2 3 4 5 6